

Қуръони Карим шифодир



19:00 / 09.07.2024 1764

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

خَسَارًا إِلَّا الظَّالِمِينَ بَزِيدٌ وَلَا لِلْمُؤْمِنِينَ وَرَحْمَةٌ شِفَاءٌ هُوَ مَا الْفُرْعَانِ مِنْ وَنَزَّلُ ﴿٨٢﴾

«Қуръонни мўминлар учун шифо ва раҳмат ўлароқ нозил қилурмиз. У золимларга зиёндан бошқани зиёда қилмас» (Исро сураси, 82-оят).

Дарҳақиқат, Қуръони Карим шифодир, Қуръони Карим раҳматдир. Қуръони Карим куфр, ширк ва мунофиқлик каби энг зарарли ақийдавий хасталикларни даволайди.

Қуръони Карим қалблардаги турли иллатларнинг – ҳиқду ҳасад, бахиллик, манманлик, мутакаббирлик ва бошқа касалликларнинг шифосидир.

Қуръони Карим турли ахлоқий, ижтимоий, иқтисодий, муомалавий, сиёсий ва бошқа касалликларга шифо бўлади.

Турли дардларга даво бўлувчи бу шифони борлиққа нозил қилган Зот борлиқни Ўзи яратган ва унга қандай шифо кераклигини ҳам яхши билади. Бу дунё турли моддий ва маънавий касалликларга тўлиб-тошган касалхона бўлса, ўша касалхонанинг бош табиби Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга бу ҳаммабоп давони Аллоҳ таолонинг Ўзи нозил қилгандир.

Шунингдек, Қуръони Карим мўминлар учун раҳмат ҳамдир. У ҳар бир нарсада – шахсий, ақийдавий, оилавий, ижтимоий, халқаро, сиёсий, иқтисодий, сиҳҳий ва бошқа соҳаларда раҳматдир. Унга амал қилганлар ҳар тарафлама раҳматга сазовор бўладилар.

Қуръони Каримнинг мазкур шифоларидан даво олиш учун, у орқали мазкур шомил раҳматга ноил бўлиш учун мўмин бўлиш керак. Мўмин бўлмаган одам бу нарсалардан маҳрумдир.

«У золимларга зиёндан бошқани зиёда қилмас».

Золимлар соф фитратга зулм қилиб, иймон ўрнига куфр келтирганлардир. Улар иймонга чақирувчи Қуръон оятларига иймон келтирмаганлари ва амал қилмаганлари учун, гуноҳлари, зиёнлари зиёда бўлиб бораверади. Ундай инсон шифодан ва раҳматдан бенасиб бўлади. У доимо зиён устига зиён кўриб бораверади.

﴿يُؤْسِكَانَ الشَّرُّ مَسَّهُ وَإِذَا بَحَانِيهِۗ وَنَا أَعْرَضَ الْإِنْسَانَ عَلَىٰ أَنْعَمْنَا وَإِذَا﴾

«Қачон инсонга неъмат ато этсак, юз ўгирур ва четга бурилиб, узоқлашур. Қачон уни ёмонлик тутса, ноумид бўлур» (Исро сураси, 83-оят).

Иймонсиз – кофир инсоннинг ҳоли шундай. Кофирлиги туфайли шифодан ва раҳматдан бебаҳра қолган. Натижада унга қачон неъмат етса, ўзидан кетади, ҳовлиқиб, ҳаддидан ошади. Неъмат берувчига шукр қилиш ўрнига, Ундан юз ўгириб, четга бурилиб, узоқлашади. Худди шу сабабдан унга ёмонлик етганда ҳам ўзини нотўғри туттади. Сабр қилиб, Аллоҳдан ёрдам сўраш ўрнига ноумид бўлади. Иймонсизликнинг оқибати шу.

«Эй Пайғамбар!

«Сен: «Ҳар ким ўз ҳолича амал қилур. Бас, Роббингиз ким тўғри йўлдалигини яхши билувчидир», - деб айт» (Исро сураси, 84-оят).

Яъни, ҳар бир одам эътиқодига мувофиқ, ўз услуби ила иш олиб бораверади. Ўша эътиқод ва амалларга қараб ҳукм чиқариш Аллоҳ таолога ҳавола. Унинг Ўзи ким нимага эътиқод қиляпти-ю, қандай амал қиляпти – ҳаммасини яхши билиб турувчи Зотдир.

«Тафсири Ҳилол» китоби асосида тайёрланди